



# СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ  
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ПИЛ ЧИКИШИ  
№ 212 (12.866).  
12 СЕНТЯБРЬ  
1964 ПИЛ  
ШАНБА  
Баҳоси 2 тийим.

## ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг  
таклифига биноан, Ҳиндистон Респуб-  
ликасининг Президенти доктор Сарвапалли  
Радхакришнан дўстлик визити билан 11  
сентябрда Москвага келди.  
Внуково аэродромида азиз меҳмонни  
СССР Олий Совети Президиумининг  
Раиси А. И. Микоян, СССР Министрлар

Советининг Раиси Н. С. Хрущев,  
РСФСР Министрлар Советининг Раиси  
Г. И. Воронов ва бошқа совет давлат  
арбоблари, меҳнаткашларнинг жуда кўп  
вакиллари, шунингдек СССРдаги дипло-  
матия вакилларининг бошлиқлари, жур-  
налистлар кутиб олдилар. (ТАСС).



АНДИЖОН ОБЛАСТИ. «Гулбоғ» совхози механик-ҳайдовчилари ўз «зангори кема»лари билан вахтзорга чиқдилар. Суратда: совхознинг 6-бўлимида машина терими пайти.

Е. Корниенко фотоси. (ЭТАГ фотохроникаси).

### Житомир области Черняховский районидаги «Первое мая» колхози Надежда Григорьевна ЗАГЛАДАГА

Қадрдон Надежда Григорьевна!  
Сизни шонли етмиш ёшингиз билан чин қўнғилдан табриқлай-  
ман. Совет халқи халқ бахт-саодати учун меҳнат қилишда ажойиб  
намуна кўрсатаётганлигингиз учун Сизни севади ва Сиз билан фахр-  
ланади. Коммунизм йўлида меҳнат қилиш буюк ишдир. Ҳар бир  
совет кишиси қанча яхшироқ ва самаралироқ меҳнат қила берса,  
маҳсулотларни қанча кўп еттиштира берса, биз нурули коммунист  
жамиятини шунча тез қуриб оламиз.  
Етмиш ёшга тулган кунингизни бирга нишонлайлик, деб ҳузур-  
рингизга боришга таклиф қилганингиз учун Сиздан миннатдорман.  
Афсуски, иш билан бандлигим сабабли бора олмайдман. Лекин шу  
кунни биз бутун юрагимиз ва қалбимиз билан Сизга ҳамдам бўламиз,  
қадрдон Надежда Григорьевна.  
Сизни ҳукуматининг олий мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ор-  
дени билан табриқлайман.  
Сизга таянчлик, меҳнатда ютуқлар ва турмушда бахт-саодат  
тилайман.

Н. ХРУЩЕВ.

1964 йил, 9 сентябрь.

#### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ Н. Г. ЗАГЛАДАНИ МЕҲНАТ  
ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН  
МУКОФОТЛАШ ТҒРИСИДА

Қишлоқ ҳўжалик экинларидан  
мўл ҳосил еттиштириш соҳасидаги  
кўп йиллик иши, фан ва илгор тажри-  
ба ютуқларини қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришда  
кенг пропанданда қилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали  
ишлари учун ва ўш мингилни сон қишлоқ муносабати  
билан «Сельская жизнь» газетаси Меҳнат Қизил Байроқ  
ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1964 йил, 9 сентябрь.

#### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» ГАЗЕТАСИНИ МЕҲНАТ  
ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН  
МУКОФОТЛАШ ТҒРИСИДА

Қишлоқ меҳнаткашларини қишлоқ ҳўжалигини юксал-  
тириш учун курашга сарфарб этиш, фан ва илгор тажри-  
ба ютуқларини қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришда  
кенг пропанданда қилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали  
ишлари учун ва ўш мингилни сон қишлоқ муносабати  
билан «Сельская жизнь» газетаси Меҳнат Қизил Байроқ  
ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1964 йил, 10 сентябрь.

### БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ АЛИ САБРИЙНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН САФАРИГА ДОИР

СССР Министрлар Совети, Иттифонинг ҳукумати номидан  
нинг Раиси Н. С. Хрущев  
дўстлик визити билан Бириш-  
ган Араб Республикасида бул-  
ган вақтда Биришган Араб  
Республикасининг Бош минис-  
три Али Сабрийни Совет Итти-  
фонига ташириш этишга Совет

**3.600.000**  
Тонна  
Узбекистон ССР областларида пахта тайёр-  
лаш ва дефолациянинг бориши тўғрисида  
**МАЪЛУМОТ**  
(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Областлар	Бир кунда	Маъсумда	Дефолация
Фарғона	1,40	6,83	13,51
Қашқадарь	0,98	4,24	16,06
Андижон	0,95	4,11	7,24
Сурхондарь	0,54	2,21	1,35
Бухоро	0,04	0,10	0,69
Қорақалпоғистон АССР	0,03	0,03	1,90
Самарқанд	0,02	0,02	9,83
Сирдарьё	—	0,01	0,85
Тошкент	—	—	7,00
Хоразм	—	—	0,16

## «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ИШГА ТУШДИ

АНДИЖОН, 11 сентябрь. («Совет Узбекистон» мухбири-  
дан телефон орқали олинди). Юсуфжон Раҳмонов ўз агрега-  
тини тайёрланган карта четига келтириб қўйди. Уага кетмай  
шинамсина безатилган шиллонда ётиб қолди. Алламаҳаллага  
унинг уйқуси келмади. Ширин хаёллар қалбини қўтиқлаб  
ҳузур бағишларди. Марказий Фарғонадаги уфқ билан туташ-  
иб кетган пахтазор буюм худди ушқубда ётгандай жимжит.  
Тонг отини билан ана шу ерларда «зангори кема»лар ҳайқи-  
ради. Пахтазор янада савжум, янада оҳанрабо бўлиб кетади.  
Юсуфжон ўтган йил ўз агрегати билан 60 тонна кептади  
терган. Бу оз албатта. Нима қилсин, ўтган йил машина те-  
римига йил бошидан пухта тайёрларик қўрилди. Карта-  
ларчи беғона ўт босиб кетди, терим пайтида шиллонларга  
тирмачиб олиб ишга ҳалакат берди. Машина кирган пайкал-  
ларда пахта ерга тўқила бошлади. Ишнинг баракаси бўлма-

ди. Бригада ҳам, қола берса бўлим ҳам машина терими пла-  
ни бажармади. Эа оқибда уятли бўлиб қолинди.  
Бу йил иш бошидан пухта бўлди. Бригадининг маъжуд 85  
гектар ердаги ўзгаси машинабоп қилиб ўстирилди. Беғона ўт  
бош кўтаришга йил қўйилмади. Ўшқубда ҳам бу йил катта  
дизарин бўлди. 400 гектар ернинг 340 гектари йил бошидан  
ноқ машина теримида ажратилди. Катталар ноқур механик-  
ҳайдовчиларга барқитиб қўйилди. Ана шу майдондаги ўзга-  
лар алоқибда ларварин қилинди. Юсуфжоннинг ўзи бу йилги  
маъсумда 150 тонна пахта теришга сўз берган.  
Юсуфжон Раҳмонов эрта туриб ўз агрегати яна бир  
бор қўздан кечирди. Ҳаммаси жойида. Теримчи бошласа бў-  
лади. Унинг ҳамкасблари Е. Бекмирзаев, С. Узоқов, М. Кур-  
банов, А. Солеҳов ҳам ўз агрегатларини охири марта қўз-  
дан кечириб чиқдилар. Бу орада бўлим бошлиғи А. Исаев ва  
совхоз директори Хай Гум Тен ҳам етиб келдилар.

Юсуфжон рулга ўтирди. Газни қўпайтириб, педальдан оқ-  
ми чиди. Агрегат пахтазор оралиб юриб кетди. Шиллонлар  
барси текис тўқилган ҳар бир туп ўзани қамраб, бир меъёрга  
айланарди. Лўппи пахталар бункера оқа бошлади. Юсуф-  
жон бункера боқди. Ишчи оранларини кузатади. Агрегат  
юрдиб ўтган заводи бирорта ҳам чиғат тўқилмаётганини кўриб  
қўнонади. Унинг кетидан ана 4 та агрегат ишга тушди...  
«Оқ олтинга тўлиб-тошган прицеплар бирин-кетин тайёр-  
лов пункти томон йўл олдди. Шу кунни олтинчи бўлимда 10  
та машина пахта тера бошлади.  
— Қўдратли техникада сулмай туриб пахтачилсини юк-  
салтириб бўлмади. — деди «Гулбоғ» совхозининг директори  
Хай Гум Тен. — Ўтган йил 50 та агрегат билан 1650 тонна  
пахта териб олдик. Холос. Машинада эйтиборсанлик натижа-  
да ҳосилнинг ҳаммасини қўлда териб ололмадик, унинг бир  
қисми ноқур бўлди. Бир центнер пахтаини танқариб эса 32  
сўмга тушди.  
Бу йил 4 минг гектар ерга чиғат экканмиз. Йил бошидан  
ноқ 3400 гектарини ажратиб, ўзгаси машинабоп қилиб олдик.  
да ларварин қилидик. Машиналар сонини эса 80 тага етказ-  
дик. Ана шу агрегатлар ердаида 6 минг 700 тонна пахта те-  
риб оламиз. 1 центнер пахтаини танқариб 32 сўмга тушди.  
Биз биринчи класс механик-ҳайдовчиларга 20 процент, иккин-  
чи класс механик-ҳайдовчиларга 10 процент қўшимча ҳақ бе-  
радик. Бу жуда яхши натижа бериши турган гап. Ишмиз  
унумли бўлади.  
Ҳа, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шон-  
ли 40 йиллик тўли шарафига социалистик муносабатни тобора  
кучайтирибди. Зодар бошқармасидаги «Гулбоғ» совхоз-  
ини азимат пахтакорлари Ленин ордени Андижон области-  
да биринчи бўлиб машина терими қўлда бердилар. Гул-  
боғликлар қишлоқ 35-4 процентдан ҳосил тайёрлаб, йиллик  
плани 15 октябрда бажарганимиз демоқдалар.  
Шунингдек, бошқармадаги «Гигант», «Гулистон» ва бошқа  
ҳўжаликларда ҳам «зангори кема»лар ишга тушди. Ҳадемай  
район дадаларига 137 агрегат ишга тайёр бўлади.

А. НАБИХУЖАЕВ.

С. ШОНАРИМОВ.

## КУНИГА 2,5 ПРОЦЕНТДАН

КИРОВ, 11 сентябрь. («Совет  
Узбекистон» мухбиридан те-  
лефон орқали олинди). Олтин  
куз ҳар йилдан ҳам баран-  
гали келди. Кенг майдонларда  
йил бўйи пешана тери тўлиб  
қилинган меҳнат туфайли ҳосил  
тукидан гузалар бошини  
кўтаролмай қолди, қайси пай-  
калта кирманг пахта болроқ-  
дай очилган.  
— 5,5 минг гектар ернинг  
ҳаммасида пахта чамандай очил-  
ди кетди. — дейди Фарғона  
областидан Киров ноқил сов-  
хоз директори Эргашай Томи-

ва. — 3 сентябрдаёқ теримни  
бошлаб юборганимиз. Дастла-  
би кунлардан бошлаб, юқори  
суръатта эришдик. Кунни-кеча  
236 тонна пахта тайёрладик.  
Бу — йиллик планининг қарий  
2,5 процентини ташкил етди.  
Совхоз бўлимларига буни  
ҳам юқори кўрсаткичларга эри-  
шилди. «Ленинизм», «Нов-  
иет» бўлимларининг пахтаор-  
дари йиллик плани узогр бўл-  
ди 10 октябрга бажариш учун  
курашиб, кунига тайёрлаш  
пунктига 2,9-3,2 процент миң-  
дорда «оқ олтин» муножом-  
далар. Ўз мажбуриятларини  
сентябрдаёқ уринишларга етди  
қилган А. Қолматов, К. Убай-  
дуллаев, А. Волтабенов бошчи  
ва бошқа ўзгаси бригадаларнинг  
аъзолари хозиргача йиллик  
планини 35-40 процентдан оши-  
риб бажариб қўйишди.  
Шу кунларда совхоз пахта-  
зорларида 3,5 мингга яқин  
теримчи ишлайпти. Ҳар бир иш-  
ловчининг ўртача нуқили 70-  
маси 60 килограмм ўринга 70  
килограмм бўлимоқда. Қиллар  
Сотиболдиева, Муҳаррам Аҳме-

## БИРИНЧИ ИНТЕРНАЦИОНАЛНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИ

Биринчи Интернационал... асло  
унутилмайди, ч ишчиларнинг ўз  
озодлиги учун кураши тарихида аба-  
дийдир. У ҳозир биз қуриш бахтига  
мушарраф бўлаётган жаҳон соци-  
алистик республикасининг биносига  
пойдевор солди.  
В. И. ЛЕНИН.

1864—1964  
(ТЕЗИСЛАР)

Ишчилар синфининг биринчи оммавий халқаро револю-  
цион ташкилотига — I Интернационал (Халқаро Ишчилар Жа-  
миятига негиз солинган кунга 1964 йил 28 сентябрда 100  
йил тўлади. Илмий коммунизмнинг асосчилари, жаҳон про-  
летариатининг буюк йўлбошчилари ва устозлари Карл Маркс  
билан Фридрих Энгельс I Интернационалнинг тузувчилари  
эдилар.  
I Интернационал тузилган кунининг юз йиллиги — бутун  
жаҳон ишчи ва коммунистлар ҳаракатининг байрамидир. Бу  
шонли юбилей коммунизм идеялари ер курашининг ҳамма  
қўлига-қўлига галаба қозонаётган вазиёда нишонланмоқда.  
Жаҳон коммунистлар ҳаракати хозирги замоннинг энг нуфуз-  
ли сиёсий қўлига айланганлиги, СССРда социализм тўла ва  
батомон галаба қилганлиги ва совет халқи коммунизм ку-  
рашини авж олдиришга ўтганлиги, бошқа мамлакатларда соци-  
алистик қуришнинг муваффақиятлари, жаҳон социализм  
системаси инқилобий ривожланишининг ҳал қилувчи фактори-  
га тобора кўпроқ айланиётганлиги, капиталист мамлакат-  
ларда ишчилар ҳаракати кенг миқёсда юксалганлиги ва халқ-  
лар миллий озодлик қурашининг буюк галабалари — мана  
шунларнинг ҳаммаси К. Маркс ва Ф. Энгельс таърифлаб бер-  
ган. I Интернационал фаолиятининг назарий негизи бўлиб  
қолган илмий коммунизм идеяларининг амалда рўёбога чиқ-  
қанлигидир.  
К. Маркс ва Ф. Энгельс революцион назарияни ишлаб чи-  
қиб, революцион ишчилар ҳаракати стратегиясини ва такти-  
касини принципларини белгилаб берди, пролетариатга ўз  
озодлиги учун кураш олиб боришининг қўдратли қўлини ва  
сиёсий қўлини бердилар. I Интернационал вужудга кел-  
тирилганлиги пролетариатни ташкилий жиҳатдан ҳам қўрол-  
ландирди. Энди, орадан 100 йил ўтгандан кейин ҳам I Ин-  
тернационалнинг К. Маркс ва Ф. Энгельс ифодалаб берган  
асосий идеялари жаҳон коммунистлар ҳаракатида яшаб кел-  
моқда, социалистик мамлакатлар халқларининг фидокорона  
меҳнати билан муваффақиятлар равишида амалга оширил-  
моқда.  
Халқаро Ишчилар Жамияти пролетар интернационали-  
мига содиқлигини энг буюк йўл-йўриқ қилиб қолди. Бирин-  
чи бўлиб «Коммунист партия манифести»да яшлон қилин-  
ган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган жангвор  
шор I Интернационалнинг шори бўлиб қолди. К. Маркс ва  
Ф. Энгельс турли мамлакат ишчиларини интернационал  
миқёсда бирлаштиришни I Интернационалнинг тарихий ва-  
зифаси деб билдилар. «Жамиятнинг буюк мақсадларидан би-  
ри шунга эришишдан иборатки, — деб ёзди К. Маркс, —

ягона армия бўлиб ўз озодлиги учун курашаётган турли мам-  
лакат ишчилари ўзларини қардош ва ўртоқ деб ҳис қилишга  
ва қолмасдан, шу билан бирга қардош ва ўртоқ бўлиб ҳа-  
ракат қилсинлар» (К. Маркс, Ф. Энгельс, Асарлар, иккинчи  
нашр, 16-том, 195-бет).  
К. Маркс билан Ф. Энгельс I Интернационал фаолиятини  
йўналишлар эканлар шунга асосландиларки, тарихий қонун-  
иятларнинг объективлиги туфайли, турли мамлакатларда  
булган ва айни бир синф — капиталистлар синфи эзюб нег-  
лан ишчиларнинг туф манфаатлари умумийлиги туфайли  
революцион ишчилар ҳаракати интернационал ҳаракатдир.  
Капиталист халқаро кучига, турли мамлакатлардаги бур-  
жуазиянинг пролетариат революцион ҳаракатини бостириш  
учун биргаликда қилаётган уринишларига ишчилар синфи  
ўзининг интернационал бирлигини қарама-қарши қилиб қў-  
йиш лозим эди.  
Уштан ишчилар ҳаракатининг биринчи қадамларидан  
бошлаб пролетариат ҳаракатининг халқаро бирлиги пролетари-  
ятнинг буржуазияга қарши синфий курашида зарур шарт  
бўлиб қолди. «Этмининг таърихис суни қўрсатдики, —  
дейилган эди I Интернационалнинг Таъсис Манифестида, —  
турли мамлакат ишчилари ўртасида мавжуд бўлиши лозим  
булган ва уларни ўз озодликлари учун олиб бораётган кура-  
шида бир-бирларини қўллаб-қўлтиқлашга байратланганларидан  
қардошларча иттифоний менсимаслик шу ишчиларнинг тар-  
қоқ ҳаракати умумий мағлубиятга учрашадан ёмон оқибатга  
олиб келади» (К. Маркс, Ф. Энгельс, Асарлар, иккинчи  
нашр, 16-том, 10—11-бетлар).  
Ишчилар синфининг революцион кураши ривожлана  
борган сари инқилобий турмуш интернационаллашиб бориш-  
дан иборат объектив процесс натижасида, турли мамлакат-  
лардаги революцион процессларнинг ўзаро бугуланishi тобора  
янисласла бериши натижасида пролетар интернациона-  
лими принципларини ахиятига тобора кучайтерди. В. И.  
Ленин ҳамини шунини ўқитар эдики, «Ишнинг ҳар қандай  
соҳаларида барча имкониётлардан ҳар турли мамлакатларда-  
ги ишчиларнинг синфий кураши натижасидангина тўла ва ҳар  
томонлама фойдаланиш мумкин». (В. И. Ленин, Асарлар, 15-  
том, 192-бет).  
Меҳнаткаш инсоният озодлик ҳаракатининг ҳар бир янги  
босқичида халқаро ишчилар синфининг биргаликда куч ва  
гайрат сарфлаб ҳал қилаётган вазиёларнинг ҳажми кен-  
гайтерди ва айни вақтда халқаро ишчилар синфининг айрим  
отрядлари томонидан империализмга қарши курашнинг  
умумий ишига қўшилиётган ҳиссанга характери ҳам ўзга-  
раверди.  
Улут Октябрь социалистик революциясидан кейинги давр-  
да жаҳонда биринчи социалистик давлатни—Совет Иттифо-  
қини ҳимоя қилиш пролетар интернационалининг олий

меҳони бўлиб қолди, чунки совет халқи эришган революцион  
галабаларини сақлаб қолиш халқаро ишчилар синфининг со-  
циализм учун муваффақиятли кураш олиб боришини таъ-  
минловчи энг муҳим шартга айланди. Айни вақтда тарихда  
биринчи бўлиб, интернационал пролетар бурчин бақариш-  
нинг янги формаси пайдо бўлдики, бу форма бошқа халқ-  
ларга ўрнат қўрсатаётган ва бутун халқаро революцион ҳа-  
ракат учун моддий базани вужудга келтираётган, социали-  
стик революция галаба қилган мамлакатда янги жамият ку-  
ришдан иборатдир.  
Жаҳон социализм системаси революцион ривожланиш-  
нинг асосий фактори бўлиб қолган бизнинг замонамизда  
халқаро ишчилар синфи интернационал вазиёларининг дои-





